



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "24" mart

Қ-170 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви худудидан "Ифтихор Мелиорация" МЧЖга "Газаблок, шлакаблок ва пенаблок" ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 03-02/129-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 2 февралдаги 15-сон хулосаси, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 22 январдаги 01-03/20-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви худудидан "Ифтихор Мелиорация" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 2595қ ва 2596қ-дала контурларидаги жами 3,0 гектар, шундан 2,73 гектар яйлов, 0,1 гектар йўллар ва 0,17 гектар бошқа ер майдони "Газаблок, шлакаблок ва пенаблок" ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "Ифтихор Мелиорация" МЧЖ 2,73 гектар яйлов ер майдони "Газаблок, шлакаблок ва пенаблок" ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун ажратилаётанлиги муносабати билан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 35 592 102 (ўттиз беш миллион беш юз тўқсон икки минг бир юз икки) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги гўзначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб

берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**